DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7638911 Pages: 933-943



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ ШАКЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Нилуфархон Қобулова
Кафедра мудири, т.ф.н.,доцент
Андижон машинасозлик институти
nilufarqobulova@mail.ru

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, таълим жараёни,“5+1” модели, ўзаро интеграция, профессионал мослашув, касбий тайёргарлик, ўзлаштириш кўрсаткичлари.

Аннотация: Мутахассисларни тайёрлашнинг анъанавий тизимини таҳлил қилиш асосида муаллифлар ўқув жараёнини ташкил этишда “5+1” моделидан фойдаланган. Ушбу моделнинг моҳияти шундан иборатки, 2-курсдан бошлаб ўқув ҳафтасининг 5 куни давомида талабалар ОТМда назарий ва амалий билимлар олиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхонасида, яъни келажакда ишлайдиган корхонасида 1 кун амалий ўқув машғулотларини ўтайди. Янги моделни қўллаш натижасида талабаларнинг 90 фоизида олдинги сессия натижалари билан билан таққослаганда ўқув кўрсаткичлари яхшиланган

IMPROVING THE QUALITY OF TRAINING SPECIALISTS BY INTRODUCING NON-TRADITIONAL FORMS OF ORGANIZING THE EDUCATIONAL PROCESS

Keywords: university, educational process, 5+1 model, mutual integration, professional adaptation, professional training, performance indicators

Abstract Based on the analysis of the traditional system of training specialists, the authors used the 5 + 1 model to organize the educational process. The essence of this model is that, starting from the 2nd year, within 5 days of the academic week, students will receive theoretical and practical knowledge at the university, as well as 1 day of internship at a manufacturing enterprise, i.e. , the enterprise where they will work in the future.As a result of using the new model, 90% of students improved their performance compared to the results of the previous session.

ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ ПУТЕМ ВНЕДРЕНИЯ НЕТРАДИЦИОННЫХ ФОРМ ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

Ключевые слова: вуз, образовательный процесс, модель «5+1», взаимная интеграция, профессиональная адаптация, профессиональная подготовка, показатели успеваемости

Аннотация: На основе анализа традиционной системы подготовки специалистов авторы использовали модель «5+1» для организации учебного процесса. Суть данной модели заключается в том, что, начиная со 2 курса, в течение 5 дней учебной недели студенты будут получать теоретические и практические знания в вузе, а также 1 день прохождения практики на производственном предприятии, т.е. , предприятие, где они будут работать в будущем. В результате использования новой модели у 90% студентов улучшилась успеваемость по сравнению с результатами предыдущей сессии.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш орқали республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон ва “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июл кунги № ПҚ-3151 қарорлари қабул қилинди [1, 2].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь - июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг

аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган. Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти.

Олий таълим- илм-фан- ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган.

Юқорида келтирилган сабаблар замонавий ишлаб чиқариш талаблари ва ушбу ишлаб чиқариш учун мутахассисларни тайёрлаш сифати ўртасида сезиларли фарқ пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий шароитларда фақатгина ОТМ кучи билан малакали мутахассисни тайёрлаш амалда мумкин эмас. ОТМ битирувчида касбий йўналиш, кўникмаларнигина шакллантириши мумкин. Битирувчи амалиёт билан шуғуллангандагина ҳақиқий мутахассис бўлиб етишади.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг анъанавий шаклларининг асосий камчилиги шундаки, машғулотларни ўтказиш талабаларга амалий ва касбий кўникмаларни эмас, балки маълум бир билимларни олишга қаратилган. Университет услуби- кўпинча ўқитувчидан талабага билимларни узатиш услубига асосланган, яъни билимлар узатилади. Маъруза ўқиш ўқитишнинг пассив хусусиятини акс эттиради. Эшитиш ва ўқиш орқали талабаларни мустақил фикрлаш тажрибаси ортмайди. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, информацион маърузадан сўнг талабалар материалнинг 30

фоиздан камини эслайдилар, ундан ҳам ёмони, маърузадан кейинги биринчи ҳафта давомида шу маълумотлар ҳам унутилади [3].

Педагогик жараённи тизимли таҳлил қилиш асосида миллий таълимнинг қуйидаги ҳал қилинмаган муаммо ва вазифалари аниқланди: таълим тизимининг барча даражаларида ўқув дастурларида кўп фанли ва кичик предметлилик мавжуд; аудитория машғулотлари ахборот характерига эга бўлиб, ўрганилаётган мавзулар мазмунини чуқур ўзлаштиришга ёрдам бермайди; таълимнинг барча даражаларидаги ўқув жараёнини дидактик ва услубий таъминлаш репродуктив йўналиш билан тавсифланади, бу ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам бермайди. Ўқув дастуридаги мустақил ишларни режалаштириш расмий характерга эга. Ушбу турдаги иш кўп ҳолларда индивидуал дидактик таъминотга эга эмас; ўқув топшириқлари индивидуал равишда берилмайди, бу эса ушбу топшириқларни бажаришда оммавий кўчирмачиликларга олиб келади. Ушбу ҳолат билимларни чуқур эмас, балки расмият учун ўрганишга шароит яратади; мавжуд билим сифатини баҳолаш тизими ўқитувчиларнинг субъективлигини юқорилиги билан ажралиб туради, чунки бу тизим паст даражадаги фарқлаш қобилияти билан ажралиб туради.

Ушбу муаммоларни кўп жиҳатдан, мутахассисларни тайёрлаш тизимини ижодий ўқитиш технологиясига ўтказиш йўли билан ҳал қилиш мумкин, унинг асосида муаммоли маърузалар, ижодий характердаги семинарлар, амалиётга йўналтирилган амалий машғулотлар ётади.

Юқорида келтирилган муаммони эчимини топиш мақсадида ва ушбу йўналишдаги этакчи мутахассисларнинг илмий ишларини ўрганилган [5,6,7,8,9,10,11,12]. Таҳлил натижаларига кўра 2018 йилда вилоятнинг етакчи корхоналари билан келишилганидан сўнг, Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ва Андижон машинасозлик институти ректори томонидан “5+1” модели асосида ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиш тўғрисида" ги низом тасдиқланди (1-расм).

Унга кўра, муаллифлар томонидан мутахассислар тайёрлашда олий таълим ва корхоналарнинг ўзаро интеграциясига асосланган ҳолда мутлақо янги ўқитиш услубини (“5 + 1” модели) таклиф қилдилар.



1-расм. “5+1” дастурининг модели.

Ушбу ўқитиш модели мутахассис ходимларни тайёрлашда дунёда тан олинган соҳа мутахассислигига ўқитиш (дуальная система) дан бир қанча фарқ қилади. Бу усулда ўқитиш ўқув муассасасида ўқитишни ишлаб чиқаришдаги фаолияти даври билан биргаликда олиб борилишини кўзда тутган мутахассис ходимлар тайёрлашнинг шакли сифатида дунёда тан олинган ва асосан ўрта махсус маълумотли ходимларни тайёрлашга йўналтирилган бўлса, таклиф этилаётган ўқитиш (**“5+1”модели)** модели – бу олий ўқув муассасасининг ва корхонанинг ўзаро ҳамкорлиги асосида касбий тайёргарлик шароитларидаги педагогик техника усуллари ҳамда ташкилий шакллар, услублар ва уларни амалга ошириш воситалари системасидир (2-расм).



2-расм. Амалдаги ва кутилаётган билимларнинг таққосланиши.

Ушбу ўқитиш моделининг асосий тамойили – бу олий ўқув юртига ва корхонага сифатли мутахассислар тайёрлаш жараёнида бир хилдаги масъулиятни юклайди (3-расм).



3- расм. Модель дастури.

Корхонанинг манфаатдорлиги, аввало мутахассис ходимларни излаш ва танлаш, тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва мослашувга кўзда тутилган сарфларни камайтириш, зарур мутахассис ходимларни тайёрлаш имкониятидир. Бунда иш берувчи мутахассисларнинг касбий билимларини шакллантиришда, битирувчиларни корхонанинг иш шароитларига кўникиши ва мураббийлик системаларини шакллантиришда фаол иштирок этади. Ўз навбатида талабалар нафақат муайян ишлаб чиқариш шароитлари билан танишадилар ва касбий фаолият асосларини ўзлаштирадилар, балки ўқишни тамомлаганидан сўнг мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш имконига эга бўладилар (4-расм).




4-расм. Моделни жорий қилишдан кутилаётган натижа.

Шуни қайд қилиш керакки, ушбу моделнинг мазмуни ўқув жараёнини амалиёт билан тўлдиришдир, яъни ўқув жараёнининг маълум қисми корхона негизида ўтказилади. Ўқув жараёнига ўқитишнинг лойиҳавий усули жорий қилинади. Талабалар билимларини баҳолаш, курс лойиҳаларини тайёрлаш, корхоналар буюртмаси асосида диплом ишлари, фан олимпиадаларини биргаликда ўтказиш, номдор стипендиялар белгилаш, тегишли малака сертификатлари бериш жараёнига корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассисларини жалб этилади.

Ушбу моделнинг моҳияти шуки, талабалар ОТМда ўқув ҳафтасининг 5 куни давомида олаётган назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхонаси, яъни келажакда иш билан таъминланиши мумкин бўлган жойда 1 кун амалий ўқув машғулотларини ўтайди.

1 ва 5-расмда келтирилган схемага асосан, “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” таълим йўналиши талабалари ишлаб чиқилган дарс жадвалига мувофиқ, хафтанинг ҳар чоршанба кунида тегишли корхоналарга гуруҳларга бўлинган ҳолда борадилар (6-8 кишилик майда гуруҳлар билан ишлаш талабалар билан индивидуал ишлаш имконини оширади, корхоналар учун ҳам муаммо туғдирмайди) (5-расм).



5-расм. “5+1” моделини амалга ошириш схемаси.

Гуруҳларда фанлар кесимида олиб бориладиган амалий дарс машғулотлари аввалдан фан дастури бўйича белгилаб олинди. Бу бўйича

тегишли фан ўқитувчилари томонидан корхоналарга бориб, дастур бўйича ўтиладиган мавзуларни, уларга зарур жиҳозларни ўрганилди.

“5+1” моделини амалга ошириш бўйича тузилган Низом асосида, корхоналарда ўқув жараёнини ташкил этишга келишув имзоланган ва улар талабаларни алоҳида ўқув хонаси ва мавзуга тегишли барча жиҳозлар билан таъминлайди. Талабалар билан дарс жараёнини олиб бориш учун институтдан бириктирилган профессор-ўқитувчидан ташқари, корхонадан ҳам соҳа мутахассислари ўқув жараёнига жалб этилди.

Мазкур ўқув дастурининг ютуқларидан бири шуки, унда талаба ўқув жараёни мобайнида институтда олган назарий билимларини ишлаб чиқариш корхонасида олган амалий кўникмалари асосида мустаҳкамлаб боради.

Талабалар билимини баҳолаш учун жорий назоратни амалиёт раҳбари томонидан ишлаб чиқариш базасида ҳар бир цикл охирида ўтказилди. Оралиқ назоратни эса ОТМ да ўқитувчи томонидан тасдиқланган ўқув дараёни графигига асосан олинди. Якуний назоратни ўқитувчи ва мутахассислардан иборат комиссия иштирокида ўтказилди.

Талабалар фикри ва олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, амалий машғулотларни зарур асбоб-ускуналар ёрдамида ўз қўллари билан бажарганлиги учун талабалар мавзуни моҳиятини яхши англаганликлари, бу амалиёт улар учун фойдали бўлганлиги ва бундай амалиёт жуда зарур эканлигини таъкидлаган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 2018-2019 ўқув йили биринчи ва иккинчи семестри солиштирилганда, талабаларни фанларни ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи гуруҳлар кесимида 39-41% фоизга ошганлигини кўрсатди (6-расм).



6-расм. "Ҳаётий фаолият хавфсизлиги" йўналиши талабаларининг анъанавий ва "5+1" модели асосида ўқитиш натижалари.

Хулосалар.

Олиб борилган изланишлар натижасини амалиётга тадбиқ этиш натижалари асосида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

-тадқиқот натижаларини таълим жараёнида қўллаш ҳар бир келажак мутахассисига дифференциал (индивидуал) ёндашишни таъминлайди, натижада кадрлар истеъмолчилари талабига мос кадрлар тайёрланади;

-“5+1” модели асосида корхоналарда амалий машғулотларни ўтказиш талабаларнинг келажакдаги касбига яхшироқ мослашишига имкон яратади;

-“5+1” модели асосида ўқув жараёнини ташкил этишдан корхонанинг манфаатдорлиги, аввало, мутахассис ходимларни излаш ва танлаш, тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва касбий мослашуви учун кўзда тутилган сарфларни камайтириш, сифатли мутахассис ходимларни тайёрлаш имкониятини яратилишидир;

-“5+1” моделини ўқув жараёнига қўллаш талабаларнинг фанларни муваффақиятли ўзлаштиришини таъминлайди, ўз-ўзини доимий ва объектив назорат қилишга ўргатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори.
[2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июл кунги № ПҚ-3151 қарори.
[3]. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.1995.-298с.
[4]. Махмудов А.Х., Фефелов В.С., Камилова А.Б. Инновационные пути педагогического прорыва. -Ташкент, 2019. -№6. - С.3-9.
[5]. Makhmudov A. Diagnostic technology competency training for master of engineering specialty //The Advanced Science. - USA. 2012.- №4.- P. 7-10.
[6]. Андреева, Е. Применение инновационных технологий на уроках ОБЖ / Е. Андреева// Основы безопасности жизни. 2003. - №3. - С.31-34
[7]. Безопасность жизнедеятельности. Современный комплекс проблем безопасности / Власова Л. М. и др. М.: Русский журнал, 2004. - 132 с.
[8]. Бикмаев И.А. Профессиональная психофизическая подготовка студентов специальности «Безопасность жизнедеятельности» в физкультурных вузах: дис. канд. пед. наук / Бикмаев И.А. Омск, 2004. - 193 с.
[9]. Бурмистрова Н. Если возникнет чрезвычайная ситуация : (алгоритмы поведения учащихся и студентов) Бурмистрова Н. // Основы безопасности жизнедеятельности. 2005. - № 4. - С.54- 55.
[10]. Вангородский С. И. Преподаватель ОБЖ, и спасатель / Вангородский С. // Основы безопасности жизни. 2005.- № 2. - С.22-26.
[11]. Малаян К. О некоторых проблемах обучения в области безопасности жизнедеятельности / Малаян К.// Основы безопасности жизнедеятельности. 2004. - № 11. - С. 12-14.

[12]. Михайлов, Л.А. Групповая форма организации работы на уроках ОБЖ / Михайлов Л.А. // Основы безопасности жизни. -2005. №8. - С.6-12.